

# МУГАЛЛИМ ҲАМ ЎЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҶ



ISSN 2181-7138

№ 3/3 - 2022 жыл

## Илимий-методикалық журнал

**Редактор:**  
**А. Тилегенов**

**Редколлегия аъзалары:**  
Маъсет АЙЫМБЕТОВ  
Нағмет АЙЫМБЕТОВ  
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ  
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ  
Алишер АЛЛАМУРАТОВ  
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ  
Тўлкин АЛЛАЁРОВ  
Умида БАҲАДИРОВА  
Фархад БАБАШЕВ  
Аскар ДЖУМАШЕВ  
Гўлнара ЖУМАШЕВА  
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ  
Аскарбай НИЯЗОВ  
Сабит НУРЖАНОВ  
Уролбой МИРСАНОВ  
Бахтиёр РАХИМОВ  
Арзы ПАЗЫЛОВ  
Барлықбай ПРЕНОВ  
Қаххор ТУРСУНОВ  
Тажибай УТЕБАЕВ  
Саодат ТОШТЕМИРОВА  
Амангелди УТЕПБЕРГЕНОВ  
Ризамат ШОДИЕВ  
Зафар ЧОРШАНБИЕВ  
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ  
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

**Шўлкемлестириўшилер:**  
**Қарақалпақстан Республикасы**  
**Халық билимлендириў**  
**Министрлиги, ӨЗПНИИ**  
**Қарақалпақстан филиалы**

**Ўзбекстан Республикасы**  
**Министрлер Кабинети**  
**жанындағы Жоқарғы**  
**Аттестация Комиссиясы**  
**Президиумының 25.10.2007**  
**жыл (№138) қарары менен**  
**дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сўз хэм**  
**хабар агентлиги тәрәпинен**  
**2007-жылы 14-февральдан дизимге**  
**алынды №01-044-санлы гуўалық**  
**берилген.**

**Мәнзил: Нөкис қаласы,**  
**Ерназар Алакөз көшеси №54**  
**Тел.: 224-23-00**  
**e-mail: [uzniipnkkf@umail.uz](mailto:uzniipnkkf@umail.uz),**  
**[mugallim-pednauk@umail.uz](mailto:mugallim-pednauk@umail.uz)**  
**[www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz](http://www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz)**

Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жәрияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Мугаллим ҳәм ўзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген маглыўматларға автор жуўапкер.

# МАЗМУНЫ

## ТИЛ ҲАМ АДЕБИЯТ

|                                                                                                             |   |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---|
| <b>Qorjovov B.J, Sattorova A.A.</b> Ieronim Bosxning «PICHAN G‘ARAMI» asarida odam va olam munosabati ..... | 4 |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---|

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

|                                                                                                                                                                        |    |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| <b>Serimbetova M.P.</b> Pánler aralıq baylanis oqıw processiniń integraciya principı sipatında .....                                                                   | 9  |
| <b>Эргашев Н.Н.</b> Олий ўқув юртларида тьюторлик фаолиятини ташкиллашнинг педагогик аҳамияти .....                                                                    | 14 |
| <b>Назиров Қ.</b> Ижодкор ёшларни тарбиялашда кўп овозли профессионал мусика ижрочилигининг ўрни ва аҳамияти .....                                                     | 19 |
| <b>Акбаров А.Т., Мирзакаримов Х.Ю.</b> Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда диний билимлардан фойдаланиш интеграцияси .....                                | 22 |
| <b>Ибрагимов Р.Қ., Мухаммадиева З.Л.</b> Замонавий анимация санъатисининг бадий-инновацион ривожланиш омиллари ва ютуғлари .....                                       | 25 |
| <b>Qodirov N.</b> Umumiy o'rta ta'lim muassasalarida milliy cholg'u ijrochiligini o'rgatish .....                                                                      | 33 |
| <b>Очилов Ф. Э.</b> Меҳмондўстлик санъати ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни .....                                                                                       | 35 |
| <b>Рахманова М.Қ.</b> Касбий таълим жараёнида талабалар ижтимоий компетентлигини ривожлантиришда интерфаол таълимнинг назарий-амалий жиҳатлари .....                   | 39 |
| <b>Absamatov Z.A.</b> Kredit-modul tizimida bo'lajak muhandislarning intellektual kompetentligini shakllantirish masalalari .....                                      | 43 |
| <b>Чоршанбиев З.</b> Таълимда табақалаштирилган ёндашувни жорий этиш ижтимоий-педагогик муаммо сифатида .....                                                          | 50 |
| <b>Xaydarov M.E.</b> O'zbekistonda o'qituvchi nufuzini oshirishning strategik mexanizmi .....                                                                          | 55 |
| <b>O'tayev A. Y.</b> Pedagogik faoliyatning kontseptual xususiyatlari .....                                                                                            | 58 |
| <b>Хайдарова М.М.</b> Олий таълим муассасаларида талабалар хис-туйғуларнинг биоэнергетик асоси .....                                                                   | 60 |
| <b>Рахмонов А.Р., Луҳманов Д.Б.</b> Жамиятда миллий қадриятларни тарғиб этишнинг ижтимоий педагогик муоммолари .....                                                   | 63 |
| <b>Qodirova N.Z., Botirova N.A.</b> Ekologik bilim va madaniyatni shakllantirishda buyuk allomalirimizning pedagogik qarashlari .....                                  | 67 |
| <b>Турдиев Ш.Р</b> Узлуксиз таълимда STAEM фанлар таълимини амалга ошириш мазмуни ва методларининг ўзига хослиги .....                                                 | 72 |
| <b>Қораев С.Б.</b> Мустанкил таълим тизимини такомиллаштириш орқали талабалар академик мобиллигини ривожлантириш масалалари .....                                      | 77 |
| <b>Farxodova D.M., Norqobilova R.D.</b> Korreksion pedagogikada oligofreniyaning umumiy masalalari .....                                                               | 80 |
| <b>Астанов Т.М.</b> Чизмачилик фанини ўқитишда ўқувчилар кизиқишини уйғотишнинг асосий омиллари, ёхуд чизмачилик дарслигининг янгича мазмуни тўғрисида .....           | 83 |
| <b>Nurmanova N.K.</b> Oliy ta'lim muassasalarida kredit-modul tizimi asosida mustaqil ta'limning ahamiyati .....                                                       | 86 |
| <b>Очилов Ф.Э., Хужакулов Э.Э.</b> Формирование и развитие пространственного воображения на уроках черчения как средства улучшающий качества образование в школе ..... | 90 |
| <b>Эгамбердиев М. Ф.</b> Современные технологии обучения в преподавании изобразительного искусства .....                                                               | 93 |

## МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙЛИҚ ТИЙКАРЛАРИ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

|                                                                                                                    |     |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>Назирова Қ.</b> Ўзбек миллий қолғу созлари тарихи ва ривожланиши (Дутор қолғу сози мисолида) .....              | 97  |
| <b>Сагторов А. А.</b> XIX-XX асрларда миллий рангтасвир санъатининг шаклланиши .....                               | 100 |
| <b>Ankabaev R.T., Abdumajitov A.Sh.</b> Qalb sofligi matolarga yo'g'rilganda – Ne'mat Qo'ziyoyev simfoniyasi ..... | 106 |
| <b>Тураев И.Р.</b> Қоятошларда тарихий архитектура санъати ва замонавий архитектурада монументал санъати .....     | 108 |

## ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

|                                                                                                                             |     |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>Daniyarova S.</b> Stereometriyalıq figura - tetraedr elementleriniń qásiyetleri .....                                    | 111 |
| <b>Xusanov J., Shamsiddinov N., Berdiyarov A.</b> Geometrik masalalarni yechish usullari to'g'risida ayrim tavsıyalar ..... | 113 |
| <b>Сираджев С.Н.</b> Электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва улардан фойдаланишнинг назарий жиҳатлари .....          | 118 |
| <b>Бердиева Г.Р.</b> Электрон таълимни ташкил этиш ва ахборот тизимлари тахлили .....                                       | 121 |
| <b>Ауезова Р.Т.</b> Бўлажак математика ва информатика ўқитувчиларнинг мустақил таълимини ташкил этиш муаммолари .....       | 123 |

## БАСЛАЎЧИ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

|                                                                                                                                        |     |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>Ачилова С.Дж., Хасанова Х.Ю.</b> Нутқида нуксони бўлган болаларда тасвирий фаолият ёрдамида нутқни ривожлантиришнинг аҳамияти ..... | 128 |
| <b>Сайфуллаева И.</b> Imkoniyati cheklangan bolalar nutqini shakllantirishda art texnologiya turlarining ahamiyati .....               | 132 |
| <b>Эгамбердиев М. Ф., Мухаммадиева С. О.</b> Бошланғич синф ўқувчиларини тасвирий фаолиятга ўргатишнинг ўзига хос хусусиятлари .....   | 136 |
| <b>Наркабилова Г. О</b> важности формирования финансовой грамотности учеников начальных классов .....                                  | 138 |

## ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲАМ СПОРТ

|                                                                                                              |     |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| <b>Eshniyazov A. M.</b> Voleybol sportining kelib chiqishi va qonun qoidalari haqida tushunchalar .....      | 142 |
| <b>Bo'riboev A. Yu.</b> Oliy pedagogik ta'lim tizimida talabalarning jismoniy tayyorgarligini oshirish ..... | 145 |
| <b>Xudoyberganov J. S.</b> Talaba yoshlarda jismoniy chidamlilik sifatlarini takomillashtirish .....         | 149 |
| <b>Юсупов Э.Т.</b> Курашчиларнинг техник-тактик тайёргарлик ҳолати .....                                     | 153 |
| <b>Holekov R. M.</b> Kurashchining umumiy va maxsus jismoniy tayyorgarligi .....                             | 157 |
| <b>Раджапов У.Р.</b> Спортивная подготовка в легкой атлетике студентов-спринтеров .....                      | 159 |



## БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕЖЕМГИ ТЎРБИЯ

### НУТҚИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН БОЛАЛАРДА ТАСВИРИЙ ФАОЛИЯТ ЁРДАМИДА НУТҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

*Ачилова С.Дж.*

*ТВЧДПИ Махсус педагогика кафедраси педагогика фанлари бўйича фалсафа  
доктори (PhD), в.б.доцент*

*Хасанова Х.Ю.*

*Санъатишунослик факультети 3 курс талабаси*

**Таянч сўзлар:** нутқ, фаолият, тил, коррекция, идрок, овоз, фонетика, моторика, мимика.

**Ключевые слова:** речь, деятельность, язык, коррекция, познание, звук, фонетика, моторика, мимика.

**Key words:** speech, activity, language, correction, cognition, sound, phonetics, motor skills, facial expressions.

Нутқ -тилнинг фикр ифодалаш ва алмашиш жараёнларида амал қилиши, тилнинг алоҳида ижтимоий фаолият тури сифатидаги муайян яшаш шаклидир. Нутқ деганда унинг оғзаки (овозли) ва ёзма равишда намоён бўлишидаги жараёнлар, яъни сўзлаш жараёни ва унинг натижаси (хотирада сақланган ёки ёзувда қайд этилган нутқий фикрлар, асарлар) тушунилади.

Лингвистик назарияда нутқ тушунчаси муайян тил жамоасида қабул қилинган ифода воситалари тизими ҳисобланган мавхум тил тушунчасига ҳамда ижтимоий борлиқ (ҳаёт)нинг энг характерли кўринишларидан бўлган аниқ, бир қадар умумийроқ тил тушунчасига қарама-қарши қўйилади. Бошқа одамлар хулқ-атвори ва фаолиятига таъсир кўрсатиш мақсадида уларга ахборот, хабар етказишга хизмат қиладиган асл нутқ (ташки нутқ), яъни га-пириш, тил белгиларининг эшитиш аъзолари томонидан идрок қилинадиган (овоз ёзиб олувчи ускуналар ёрдамида қайд этиладиган ва қайта такрорланадиган) артикуляцияси тарзида ёки ушбу белгиларнинг ёзувда шартли акс этиши тарзида юзага чиқади.

Асл нутқ («ташки нутқ») билан бир қаторда ички нутқ ҳам бор. У сўзловчи онгида билишга ёрдам берадиган турли хил масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишга қаратилади. Ички нутқ ташки нутқ асосида, товуш ёки ёзув қўлланмаган ҳолда, фақат овозли нутқдаги сўзлар ҳақидаги аниқ тасаввурлар билан кечадиган аклий жараёнлар тарзида амалга ошади. Ёзма нутқ оғзаки нутқдан бир қадар шаклланган-

лиги, сўзларнинг ўта синчковлик билан танлаб олиниши, грамматик жиҳатдан аниқ, лекин мураккаб шаклланганлиги, оғзаки нутқ учун хос бўлган оҳанг, мимика ва қўл ҳаракатларининг бевосита қўллана олмаслиги билан фарқланади. Нутқнинг монологик ва диалогик турлари мавжуд.

Нутқ алоқа-аралашув вазифасидан ташқари яна бошқа вазифалар, чунончи, поэтик вазифа ҳам бажариши мумкин. Нутқнинг алоҳида кўриниши ўқишдир.

Ҳар бир кишининг нутқ индивидуал, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади; ваҳолонки, асосий тил унсурлари — лугат таркиби ва грамматик қурилиши якка шахсларгагина тегишли бўлмай, умумийдир, яъни муайян тил жамоасига умуман тааллуқли бўлади. Нутқ киши тафаккури, унинг онги билан чамбарчас боғлиқдир. Нутқда кишининг ўй-фикрлари шаклланади ва мавжуд бўлади. Нутқ туфайли ва нутқ асосида борлиқни умумлашган ҳолда мавҳумий акс эттириш, индивидуаллик доирасидан чиқиб, жамоатчилик маҳсулига айланадиган мантикий тушунчавий фикрлаш мумкин бўлади. Нутқ киши руҳиятининг бошқа жиҳатларини, унинг сезгилари, идроки, хотираси, ўй-хаёллари, ҳиссиёти, иродасининг намоён бўлиши ва амал қилишида, киши онгининг ривожланишида ҳам катта аҳамиятга эга.

Болада кузатиладиган маълум бир нутқ камчиликлари, масалан дислалия ва дизартрия нутқ камчиликларининг кузатилиши орқали боланинг ўз фикрини тўлиқ баён эта олмаслик кузатилади. Бу эса боланинг ҳар томонлама ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Ушбу нутқ камчиликларни бартараф этиш вақтида мутахассис логопед, коррекцион-логопедик иш билан биргаликда бир қанча фаолият турларидан кенг фойдаланилади. Булардан тасвирий фаолият тури ҳисобланади.

Мактабгача таълим муассасасида тасвирий фаолият машғулотларини режалаштириш ва ҳисобга олиш орқали болаларда бармоқлар ҳаракатчанлиги, нутқ ва тафаккур хусусиятлари ривожланади.

Мактабгача таълим муассасасида тасвирий фаолият бўйича ишларни режалаштиришда асосий принцип, бу тасвирий фаолиятни таълим-тарбиявий ишнинг энг муҳим бўлимларидан бири сифатида қараш ҳисобланади. Тасвирий фаолият бўйича ишни маълум бир вақтга режалаштиришда, шу даврда фаолиятнинг бошқа турлари бўйича амалга ошириладиган таълим-тарбиявий ишларни ҳам назарда тутмоқ лозим. Тасвирий фаолият бўйича машғулотларни режалаштиришда, албатта тасвирий фаолият машғулотлари ўртасида ўзаро боғлиқликни ҳам ҳисобга олмоқ зарурдир. Тасвирий фаолиятнинг ҳар бир тури ўзига хос вазифаларни ҳал этади, аммо қандай бўлса-да, уларни бир йўналиш, мақсад бўйича (теварак-атроф, ҳаётнинг хилма-хил, ўзига хос кўринишлардаги тасвири) бирлашадилар. Тасвирий фаолият турлари - расм чизиш, лой билан ишлаш, аппликация ўзига хос тасвирий техникага эгадир. Тасвирий фаолият бўйича ишни режалаштиришда тарбиячи, албатта ҳар бир турдаги машғулотлар сонига қатъий риоя қилиши лозим. Тасвирий фаолият бўйича машғулотларни режалаштириш, юқоридагилардан ташқари, машғулот қандай материаллар билан ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўлишини ҳам тарбиячи назарда тутмоғи лозим. Масалан, лой билан ишлашда - лой ёки пластилин, расм чизишда - гуаш, рангли қалам, кўмир таёқчаси ва ҳоказо. Шунингдек, тарбиячи машғулотнинг дастур мазмунини танлашда, болаларга қандай предметларни чиздириш ҳақида эмас, балки шу предметни чиздириш ёки лойдан ясаттириш орқали қандай билим ва қўникма бериш ёки ўргатиш ҳақида кўпроқ ўйлаши лозим. Ихтиёрий машғулотларни режалаштиришда эса тарбиячи болаларнинг мустақиллигини, ижодий қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам берувчи ўргатиш усуллари тўғрисида ўйлаб олиши керакдир. Тарбиячи ишларни режалаштиришда у ёки бу гуруҳ бўйича дастур қўйган вазифаларнинг

барчасини эътиборда тутган ҳолда иш режасини тузади. Шунингдек, тасвирий фаолиятлари бўйича бир ойга мўлжалланган истиклол режа тузиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бунда тарбиячи тасвирий фаолият машғулотлари ўртасидаги ўзаро боғланишни ҳам назарда тутади. Шундай қилган тақдирдагина, болалар маълум билим, малака ва кўникмага эга бўлишлари мумкин бўлади. Бундан ташқари, тасвирий фаолият турлари ўртасидаги ўзаро боғланиш натижасида теварак-атрофни бадиий жиҳатдан ўзлаштиришларнинг янги-янги йўллари вужудга келади ва болалар теварак-атрофни образли қилиб тасвирлашнинг турли хил усуллари билан танишадилар. Демак, тасвирий фаолият турлари ўртасидаги ўзаро алоқа ишларини режалаштиришда катта аҳамиятга эга экан. Бу ўзаро боғланиш қайсилар экан?

Тасвирий фаолиятга таълим-тарбия ишининг муҳим бўлаги, деб қараш ҳамда расм чизиш, лой билан ишлаш, аппликация машғулотларини режалаштиришда дастурнинг барча бўлимлари ўртасидаги ўзаро алоқа, боғланишни доимо диққат-эътиборда тутиш лозим. Яъни теварак-атроф билан таништириш, мусика машғулотлари ва ҳоказо. Булар тасвирий фаолият учун қизиқарли ҳодисалар ва воқеаларни танлашга ёрдам беради.

Тасвирий фаолиятнинг барча турлари теварак-атроф, ҳаётни образларда тасвирлайди, аммо ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга эканлигини ҳисобга олмоқ зарур. Яъни расм чизиш - предмет ва воқеаларни рангда текис юзада тасвирлайди, лой ҳажмларда, аппликация-рангда, силует равишда. Шунингдек, ҳар бири ўзига хос тасвир техникасига эга: расм чизиш чизиқли график равишда, ранг тасвир усулида, лой пластик равишда, аппликация - қоғоздан қирқиш ва алоҳида қисмлардан тузиш.

Дастурда тасвирий фаолият турлари олдига қўйилган вазифалардан бири уларнинг ўзаро алоқада эканлигидир. Масалан, болалар ранг билан расм чизиш билан бир вақтда, аппликация билан ҳам танишиб борадилар.

Тасвирий фаолияти турлари ўртасидаги боғланиш тарбиячига расм чизиш, лой, аппликация бўйича вазифаларни аниқлашга ёрдам беради. Масалан, кичик гуруҳга доиравий шаклларни ўргатишда, олдин тайёр доира шаклларини аппликацияда берган маъқул, сўнг эса расм чизиш машғулотларида берган маъқул.

Тасвирий фаолият турлари ўртасидаги боғланиш маълум бир мавзудаги машғулотлар асосида ҳам болиши мумкин. Масалан, рус халқ эртаги «Бўғирсок»ни болалар ҳам чизиши, ҳам аппликация, ҳам лойдан ясаши мумкин. Бу турдаги такрорланиш мавзуга нисбатан қизиқишларини пасайтирмайди, чунки ҳар бир фаолият тури жараёнида болалар эртак қаҳрамонларининг хилма-хил тасвирининг янги усул ва йўллари билан танишадилар.

Тасвирий фаолият машғулотларини тўғри режалаштиришда, машғулотлар ўртасида уларнинг дастур вазифалари, мавзулар ўртасида боғланиш вужудга келадими, бунинг натижасида янги малака ва кўникмаларини ва билимларни эгаллашларида маълум кетма-кетлик ва боғланиш вужудга келади. Масалан, «Қушлар» мавзуси асосида олиб борилган машғулотлар жараёнида болалар дон чўқиятган қушни лойдан ясашни, шохда ўтирган қушни расмини чизишни, афсонавий қушни қандай қилиб қоғоздан қирқиб олишни билиб оладилар.

Шунингдек, тасвирий фаолияти бўйича ишни режалаштиришда фақатгина уларнинг турлари ўртасидаги кетма-кетликни назарда тутмай, балки ҳар бир турдаги машғулотлар ўртасида ҳам боғланиш ўрнатиш ва уларни диққатда тутиш лозим. Масалан, предметли расм чизиш лой ишларидан кейин мазмунли ишларни режалаштириш лозим.

Тасвирий фаолият бўйича ишни режалаштиришда тарбиячи болалар билан ишлашда фойдаланадиган метод ва усулларига ҳам аҳамият бермоғимиз лозим. Булар кўрсатмали ва оғзаки метод ҳисобланади. Кўрсатмали ва оғзаки метод ўзаро биргалликда олиб борилиши лозим. Демак, тарбиячи тасвирий фаолият бўйича ишларни режалаштиришга жуда қатъия қатъия аҳамият бермоғи лозим экан. Тарбиячи ишни режалаштиришга қандай аҳамият берган бўлса, ишни ҳисобга олишга ҳам шундай эътибор бермоғи лозим бўлади. Чунки бу нарса -тарбиячига тасвирий фаолиятга ўргатиш бўйича дастур вазибалари талаблари қандай бажарилганлигини аниқлашга ва машғулотларнинг сифатли чиқиши учун қандай тайёргарлик ишларини кўпроқ олиб бориш лозимлиги ҳамда ўргатишларнинг янги хилма-хил метод ва усуллари устида кўпроқ ишлаш лозимлигини аниқлаб олишга ва кейинчалик улардан болалар билан ишлашда фойдаланиш учун янги-янги имконият яратиб беради. Тасвирий фаолият бўйича болалар ишини таҳлил қилиш икки шаклда олиб борилиши мумкин.

1. Матн шаклида: ҳар кунги ҳисобот ва алоҳида болаларни кузатиш бўйича олиб бориш кузатишлар матни.

2. Кўргазмалар: Болалар ишларини сақлаш, тасвирий фаолият бўйича болалар ишларини сақлаш тарбиячига гуруҳдаги у ёки бу болага тасвирий малака ва кўникмаларни эгалладими, йўқми, теварак-атроф гўзаллигини, ранг ва шаклни кўришга ўргандими, йўқми? Шу масалаларни ҳал этишга ёрдам беради. Ҳар бир боланинг иши белгиланган бўлиши лозим. Бола чизган ёки ёпиштирган ишининг орқа томонида унинг исми-фамилияси, машғулоти ўтказилган санани ҳам ёзиш керак. Болаларнинг чизган ишларини алоҳида папкаларга солиш ёки уларни альбом ҳолига келтириб қўйиш мумкин. Ёнг қулайи ишларни тикиб қўйиш, яъни ҳамма машғулотларни йиғиб, ўртасидан узун тасмасимон қоғоз билан боғлаб қўйишдир. Бу тасманинг кенглигига, ёши, машғулоти номи, фамилияси, тарбиячининг ўтказган санаси сиғиши лозим. Шунга қараб, лой ишларини (ҳар бир боланинг 3 та иши 1 йил сақланиши лозим) сақлашда ҳам ўқув йилининг боши, ўртаси ва охири бўйича ажратиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса малака ва билимини таҳлил қилишга ёрдам беради.

Кундалик ҳисобот. Бу ҳисобот болалар берилаётган билимларни қай даражада эгаллаётганларини аниқлашда ёрдам беради. Тарбиячи бу ҳисоботида болаларнинг давомати ва машғулоти давомида ўзини қандай тутганлиги, уларда рўй бераётган сифат ўзгаришлар белгилаб борилади. Бу ҳисобот ҳар куннинг охирида ёзиб борилади. Кундалик ҳисоботда тарбиячи машғулотлардаги ютуқ ва камчиликларни аниқ кўрсатиб бермоғи лозим. Бунда янги берилган билимни бола қай даражада эгаллаганлиги, индивидуал боланинг исми, фамилияси аниқ кўрсатиб, олиб борилиши лозим. Масалан, ўрта гуруҳда лой машғулотида Арипова Зебо кушларнинг шаклини образли яратишга ҳаракат қилди, кафтлари орасида лойни тўғри ишлатди. Комилова Шаҳрибону бугунги машғулотида пассив қатнашди. Шаклнинг қисмларини пропорцияларга бўлишда ҳатоликларга йўл қўйди, деб ёзиш мумкин. Тарбиячи бу ҳисобот ёрдамида қайси болада берилган билимларни эгаллашда сустлик сезилганлигини аниқлаб олади, Сўнгра эса бу болалар билан алоҳида машғулотлардан ташқари вақтда индивидуал ишлайди.

Якуний ҳисобот. Якуний ҳисобот ҳар олти ойда, йилнинг охирида тузилади. Бу ҳисобот ёрдамида тарбиячи болалар шу муддат ичида қандай билимларга, кўникма, малакаларга эга бўлганликлари аниқлаб олади. Кейинги босқичларга ўқув йилига режа туза олади. Якуний ҳисоботнинг яна бир мақсади, болани гуруҳдан гуруҳга ўтказишда ундаги барча билимлар шу гуруҳга мос келадими ёки йўқми? Эканлигини аниқлашда ёрдам беради.

Ота-оналар билан ишларни янада яхшилаш, ота-оналар бурчагини янада мазмунли қилиб безаш, шунингдек, ота-оналар билан индивидуал суҳбатлар ўтказиш лозим. Натижада шу нарса кўринадики, болаларнинг ўзлаштириши янада юқори даражага кўтарилди. Бу ўринда шунини қўшимча қилиб ўтиш лозимки, болаларнинг тасвирий фаолият машғулотида бажарган ишларидан кўргазмалар тайёрланса, бунда болаларда қизиқиш янада кучаяди, ўз ишларини янада яхшироқ бажаришга ҳаракат қиладилар. Шунингдек, ота-оналар ҳам болаларнинг билимлари қай даражада ривожланиб бораётганликларидан хабардор бўлиб турадилар. Булардан кўриниб турибдики, болалар боғчасида ҳисобот ишларига алоҳида эътибор бермоғимиз лозим. Бу эса ўз вақтида болаларни мустақам билимларга эга бўлишларини таъминлайди.

#### Адабиётлар:

1. Ачилова Севара Жасуркуловна (2020). Особенности логопедической работы при дизартрии в специализированных дошкольных учреждениях. International scientific review, (LXVII), 88-91.
2. Ачилова, С. Д. (2022). Сбор анамнеза и обследование артикуляционного аппарата при стёртой дизартрии. Academic Journal of Digital Economics and Stability, 15, 91-100.
3. Achilova, S. (2020). Phonetic and phonemic disorders and their correction in children with dysarthria. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 8(3).
4. Г.А. Амирова, А.П. Сулаймонов, Б.Р. Джурасева Мактабгача таълим муассасаларида аппликация машғулоти. Тошкент 2014.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада нутқида нуқсонли бўлган болаларда тасвирий фаолият ёрдамида нутқни ривожлантиришнинг аҳамияти бўйича маълумотлар ёритиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье подчеркивается важность развития речи с помощью изобразительной деятельности у детей с нарушениями речи.

SUMMARY

This article emphasizes the importance of speech development through visual activity in children with speech disorders.

## IMKONIYATI CHEKLANGAN BOLALAR NUTQINI SHAKLLANTIRISHDA ART TEXNOLOGIYA TURLARINING AHAMIYATI

*Сайфуллаева И.  
ЧДПИ ўқитувчиси*

**Tayanch soʻzlar:** art texnologiya, ertak texnologiya, imkoniyati cheklangan bola, nutq, korreksiya, kompensatsiya, qobiliyat, sanʼat, axloqiy immunitet, ertak qahramonlari.

**Ключевые слова:** художественная технология, сказочная технология, ребенок-инвалид, речь, коррекция, компенсация, способность, искусство, нравственный иммунитет, сказочные герои.

**Key words:** art technology, fairy tale technology, child with disabilities, speech, correction, compensation, ability, art, moral immunity, fairy tale heroes.

Art texnologiya – bu boʻlajak defektologning taʼlim-tarbiya vositalari yordamida muayyan sharoitda taʼsir koʻrsatishi va bu faoliyat mahsuli sifatida, imkoniyati cheklangan bolalarning mavjud noyob qobiliyatlarni yuzaga chiqarish, umumiy va mayda motorikalarini kompleks rivojlantirish orqali maktab taʼlimiga tayyorlash jarayonidir. Art texnologiyalar orqali bolalar qayta aloqaga kirishish, predmetlarning ichki va tashqi koʻrinishini tasvirlash va tartibga solish kompozitsiyalarni birlashtirish, ertak toʻqish orqali nutqni rivojlantirish,